

(6. 013). 28 май

КОР КОПЛОНИ ёКИ ИЛВИРИС

Кор коплони анчагина катта йирткич булиб, танасининг узунлиги 112—115 сантиметр, думи 93—105 сантиметр, баландлиги 60 сантиметр, огирлиги 40 килограммдан ошади. Эркаклари ургочисидан каттарок булади. Кузлари катта, кулоклари калта, жунлари усик булади, думи узун ва майин. Гавдасининг жунн калнн куюк, биров юмшок, кулранг-кунгирсимон тусда. Танасининг бошдан оёги кора ёки кора-кунгир тусда буладиган халкасимон хол-холлар билан копланган. Корни, оёкларининг ички томонлари ок. Танаси чузинчок, оёклари танаснга караганда анчагина калта, аммо ихчам. Илвирис нодир хайвон булиб, сони жуда камайиб кётган, йуколиб кетиш арафасида колган. Шунинг учун ҳам у Халкаро, СССР ва республика «Кизил китоби»га киритилган.

Илвирис Марказий ва Урта Осиё тоғларининг урта қисмида, жанубий Сибирь, Помир-Олой тизма тоғларида, Тянь-Шань ва қисман Олтой тоғларида тарқалган. Ўзбекистонда Туркистон, Хисор тизма тоғларининг тармочла-рида, Зомин тоғларининг Гуралашсой, Кулсой, Кукбулок, Октош ва Куксув районларида учрайди. Курама, Чоткол ва Угам тоғларида ҳам учрайди. Илвирис денгиз сатхидан 3000—4000 метр баландликдаги музликлар ва мангу қорларининг этакларидаги қиялик дараларда, майда тош шагалли жойларда яшашни хуш қуради. Қишда эса пастрокдаги арчазорларга, аҳоли яшайдиган жойларга яқинлашиб келади. Аммо одамга ҳеч хужум қилмайди. Кор коплони узига улжа ахтариб ёввойи тоғ эчкиси ва архарлар яшайдиган баланд чуққиларга чиқади.

Унга қаерда овқат бўлса ва қорни туйса уша ер макон ҳисобланади. Илвирис асосан кеч қириб, қош қорайганда ва эрталаб узига овқат излаб овға чиқади. Илвирис одатда улжасини тошлар ва бутазорлар орасидан писиб пойлаб бориб устига 6 метрдан ва ундан уам узокдан, юқоридан ташлаб бугизлайди. Агар улжасини тута олмаса бир неча марта сакраб қувлайди, лекин узоккача қувиб бормайди. У узига қулай чуқур дарага, қоятошлар орасидаги каттарок ерик, ёки горға уя қуриб, унда бир неча йиллаб яшайди.

Қупинча 2—3 та бола тугади. Оналари уларни 3—4 ойларгача сути билан боқади, аммо бир ярим ойлигиданок болаларини гушт билан овқатлантира бошлайди. Болалари онаси билан бир ярим йилгача бирга юради, кейин ажралиб кетади.

Илвирис асосан ёввойн тоғ эчкилари, куйлари билан овкатлаиади. Шунингдек чучка болаларини, овкат тополмай колса сугир, куён ва кар хил майда кемирувчиларни ҳам тутйб ейди. Аммо илвирислар уй кайвонларига камдан-кам хужум килади. Бу кайвоннинг камайиб кетишига сабаб унга озик-овк.ат буладиган ёввойи, туёкли кайвонлар сонининг камайиб кетиши ва улар яшайдиган жойларга одамлар кириб бориши билан изоХланади.

Бу мушуксимои кайвонни ов килиш умуман такикланган. Уни Узбекистонда, Зомин, Чоткол, Хисор курикхоналарида мухофаза килинмокда ва илмий-тадкикотлар олиб борилмокда.